

КУН МАВЗУЛАРИ

Мирзиёев Ўзбекистонда иккинчи атом электр станцияси қурилишига тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилди.

дақиқа аввал



Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев илк бор ҳукумат иккинчи атом электр станцияси лойиҳасини тайёрлаётганини очиқ маълум қилди. Бу ҳақда у Хоразм вилоятида янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш маросимида айтди, деб ёзди Gazeta.uz.

Мирзиёевнинг сўзларига кўра, атом энергетикасини ривожлантириш инвесторларни кафолатланган электр таъминоти билан таъминлаш ва электр энергияси нархини пасайтириш учун зарур.

«Бугун сизларга сир қилиб айтмоқчиман: яқин вақт ичида иккинчи станция бўйича ҳам катта тайёргарлик ишларини олиб борапмиз», — деди Мирзиёев.

Ҳозирча расмийлар иккинчи АЭС қаерда қурилиши, унинг қуввати қанча бўлиши ва лойиҳа қайси муддатларда амалга оширилишини очиқламаган.

Маросим иштирокчилари олдида сўзлаган Ўзбекистон президенти янги энергетика лойиҳаларини мамлакатнинг иқтисодий мақсадлари билан боғлади. Унинг айтишича, инвесторлар биринчи навбатда электр энергияси нархи ва унинг узлуксиз етказиб берилиши кафолатларига қизиқади. 2030 йилгача мўлжалланган энергетика стратегияси амалга оширилмаса, Ўзбекистон инвестициявий жозибадорлигини йўқотиши мумкин.

Иккинчи атом станцияси ҳақидаги баёнот Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти Фориш туманида биринчи АЭС қурилиши давом этаётган бир пайтда янгради. Лойиҳанинг бош пудратчиси — «Росатом» компанияси таркибидаги «Атомстройэкспорт» АЖ.

Ўзбекистондаги биринчи АЭС қурилишига Шавкат Мирзиёев ва Россия президенти Владимир Путин 2026 йил 4 июнда старт берган.

Биринчи станция аралаш схема асосида қурилади ва тўртта энергоблокдан иборат бўлади: ҳар бири 1 ГВт қувватга эга иккита йирик реактор ва ҳар бири 55 МВт қувватли иккита кичик модулли реактор. Станциянинг умумий ўрнатилган қуввати 2,1 ГВтни ташкил этади. Йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми эса 17 млрд кВт/соатга етиши кутилмоқда.

Жиззах вилоятидаги АЭСнинг биринчи кичик реакторини техник ишга тушириш 2029 йил октябрь–ноябрь ойларига, иккинчисини эса ундан олти ой кейин ишга тушириш режалаштирилган. Биринчи йирик энергоблокни 2033 йилда фойдаланишга топшириш, станция қурилишини эса 2034–2035 йилларда тўлиқ якунлаш мўлжалланган.

Лойиҳанинг базавий қиймати 9,5 миллиард доллардан ошмаслиги кутилмоқда. Тошкент молиялаштиришнинг асосий қисмини кредитлар, жумладан Россиянинг имтиёзли экспорт кредити ҳисобидан жалб қилишни режалаштирмоқда.

Лойиҳа турлича баҳоланмоқда. Тарафдорлар атом энергетикаси Ўзбекистонни барқарор ва углерод чиқиндиларисиз электр генерацияси билан таъминлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Танқидчилар эса лойиҳанинг юқори қиймати, Россия ёқилғиси ва технологияларига узоқ муддатли қарамлик, шунингдек, минтақадаги сейсмик хавфларга эътибор қаратмоқда.

Россия Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам атом энергетикаси лойиҳаларини илгари сурмоқда. 2026 йил май ойида Москва Қозоғистон билан

мамлакатда биринчи АЭС қуриш бўйича келишув имзолади. Бундан аввал Россия компаниялари Қирғизистонда кичик атом электр станцияси қуришга ҳам қизиқиш билдирган.